

“ХИБАТУЛ-ҲАҶОЙИҚ”ДАГИ АЙРИМ ЎЗЛАШМАЛАР ХУСУСИДА

Жиззах давлат педагогика

институти докторанти Синдоров Лутфулла

Аннотация

Мақолада ўзбек тилига ўзлашмаларнинг кириб келишини қадимий манбалар луғат таркибини ўрганиш орқали билиб олиш мумкин. Биз ушбу тадқиқотимизда Аҳмад Югнакийнинг «Хибатул-ҳаҷойик» асаридаги ўзлашмаларни таҳлил этганмиз.

Калит сўзлар: ўзлашма, сўзлар, арабий, форсий, ёднома, асар, маъно, тил, қонуният.

Аннотации

О введении узбекского языка в статье можно узнать, изучив словарь древних источников. В этом исследовании мы проанализировали ассимиляции в «Хибат аль-Хакаик» Ахмада Югнаки.

Ключевые слова: прилагательное, слова, арабский, персидский, мемуары, произведение, значение, язык, закон.

Annotation

The introduction of the Uzbek language in the article can be found out by studying the dictionary of ancient sources. In this study, we have analyzed the assimilations in Ahmad Yugnaki's Hibat al-Haqaiq.

Keywords: adjective, words, Arabic, Persian, memoir, work, meaning, language, law.

Ҳар бир тил сўз ясаш, уни янги маъноларда қўллаш каби ички имкониятларидан ташқари, ташқи омиллар таъсирида, яъни бошқа тиллардан лисоний бирликларни қабул қилиш орқали ҳам ривожланиб, бойиб боради. Албатта, бу жараён муайян тил қонуниятлари асосида амалга ошади.

Жаҳонда ҳеч бир тил йўқки, унинг луғат таркиби фақат ўз сўзларидан ташкил топган бўлсин. Бошқа тиллардан олинган сўзлар ё ўша тилда ўз шаклини қандай бўлса, шундайлигича сақлайди ёки унинг лексик тизими, табиати, грамматик қурилиши, сўз ясалиши ва имло қоидаларига уйғунлашади¹.

Ўзбек тили луғат таркибининг бойишида ички имкониятлари муҳим манба ҳисобланади. Шунга қарамасдан, дунёдаги ҳеч бир тил ўз ички имкониятларига таяниб иш кўрмаганидек, ўзбек тили учун ҳам фақат ўз сўзлари ва имкониятларигина кифоя қилмайди. Ўзбек тили сўз бойлигининг такомиллашувида ташқи манба ҳам сезиларли ўрин эгаллади. Умуман, ҳар қандай тил соф ҳолда яшай олмайди². Бинобарин, турли тилларга мансуб ҳалқларнинг ўзаро ҳамкорлиги, қўшничилик ва савдо-сотиқ алоқалари улар тилларининг тараққиёти, биринчи навбатда, лексикасига ўз таъсирини кўрсатиши табиий. Пировардида сўз алмашиш ва ўзлаштириш ҳолатлари юз беради. Ушбу жараён тарихий шароитларга боғлиқ тарзда турлича кечади. Ўзлашмалар лексик фонднинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини кузатишида ҳамда ўзга тилларнинг туркий тиллар, жумладан, ўзбек адабий тили ривожидаги ролини аниқлашда алоҳида ўрин тутади. Шу ўринда айтиш керакки, ўзбек тилига ўзлашмаларнинг кириб келишини қадимий манбалар луғат таркибини ўрганиш орқали билиб олиш мумкин. Жумладан, сұғдча **аčun** сўзи Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойик» асарида “дунё, борлиқ”, “хаёт” маъноларида келтирилган: *Bu ačun körärgä körümlük tashi*³; *Baqasız erür bu ačun lazzatī*. Термин илк маротаба Турфон матнларида “мавжудлик, борлиқ” семасида ифодаланган: *Öyrä ajundaqī qilinč* – мавжудликдан олдинги фаолият (ДТС,74). “Тафсир”да сўзниң **ajun** (4067), **ačun** фонетик вариантлари қўзга ташланади: *Tilärsizlär dunyāniż bezäkini ya'ni ačinni* (3,2). “Муҳаббатнома”да **ačun** (292a6), “Хусрав ва Ширин”да **ajun**(33610) шакллари кузатилади. Ўрганилаётган манбада арабча **dunyā**,

¹ Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1995. -Б. 34.

² Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. -Т.: ФАН, 1985. -Б. 103.

³ Мисоллар Қозоқбой Маҳмудовнининг “Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибатул ҳақойик” асари ҳақида” китобида келтирилган матндан олинди (Тошкент: Фан, 1972).

ўзлашмаси ҳам “борлик, дунё” семасини англатган: *Bu kün bar yarın yoq bu dunyā näji*. **Dunyā** ўзлашмаси “яқин бўлди, яқин жойда жойлашди” маъносини англатувчи **danā** феълидан ҳосил қилинган⁴.

Арабча **avval** сўзи тадқиқот обьекти қилиб олинган асарда илк бор қўлланиб, «биринчи навбатда», «олдин» семаларини ифодалаган: *Arī zahri tatqu asaldīn avval*. XIV аср Хоразм манбаларида қуидаги маъноларда ифодаланган: «биринчи, дастлаб»: *Avval körüškāniy aytur* (Мн,291a11); «бошида»: *Tekmä fasl avvalında bir hadis keltürdüük* (НФ,2a12); «бошқатдан, қайтадан»: *Šarbatnī habib ilindän alib ičtīm dağı umrni avvaldan hisāb etdim* (Г,121611). Бу арабча сўз **ъаввали** шаклига эга бўлиб, ўзбек тилига фатҳали ҳамзани а товушига алмаштириб, сўз охиридаги **u** унлисини ташлаб қабул қилинган: **ъаwwalu →аввал**⁵.

Ёдномада «сиғиниш, топиниш» маъноси **ibādat** ўзлашмаси орқали ёритилган: *Ibādat riyā boldī*. **ъibādat** →**ибādat** «сиғинди», «сажда қилди» маъносини англатувчи **ъабāda** феълининг I боб масдари бўлиб, «сиғиниш», «Оллоҳга қуллуқ қилиш» маъносини билдиради⁶.

Қисса луғат таркибида Худо томонидан Мұхаммад алайхиссалом орқали юборилган охирги диний таълимотни англатган **islām** лексемаси даставал «Ҳибатул-ҳақойик» достонида келтирилган: *Garib erdi islām ḡarib boldī baz.* **ъislām**→**ислāм** асли **salima** феълининг «бўйсунди», «бош эгди» маъносини англатувчи IV боб шакли **ъislata** феълидан ҳосил қилинган масдар бўлиб, араб тилида «Оллоҳга итоат қилиш», мусулмон бўлиш, **al** артикли билан ишлатилганида эса, «ислом дини» маъносини англатади. Бу сўз ўзбек тилида эркак кишининг исми сифатида ҳам қўлланилади⁷.

«Эркин, хур» маъносини англатган **āzād** ўзлашмаси биринчи бор Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳақойик» асарида ишлатилган: *Tözü qu*

⁴Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. III (форсча-тожикча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). -Т.: Университет, 2009.–Б.112.

⁵Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II (араб сўzlari ва улар билан ҳосилалар). -Т.: Университет, 2001. – Б. 9.

⁶Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II (араб сўzlari ва улар билан ҳосилалар). -Т.: Университет, 2001. – Б. 154.

⁷Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II (араб сўzlari ва улар билан ҳосилалар). -Т.: Университет, 2001. – Б. 175.

qılurlar azad özlärin. XIV аср Хоразм ёдномаларида қуйидаги маъноларни билдирган: а) «эркин, ҳур»: *Xoja zanjir ičindä qul āzād* (Г,148а2); б) «қулликдан озод этилган шахс»: *Taqi Abubakrnuj āzādi bir erdi* (НФ,12612).

«Хибатул-ҳақойик» достонида «адолат» маъноси **dād** ўзлашмаси орқали ёритиб берилган: *Dad insaf tutar čin Anuširvaniy*. Лексема XIV аср Хоразм манбаларида қуйидаги семаларда келган: 1) «адолат»: *Ol čibči q haq ta'älā hazratindin dād tilägäy* (НФ,9367); 2) «фигон, нола»: *Falak dādīnī alğay* (ХШ,11067). Бундан ташқари, ўрганилаётган ёдномада сўзнинг арабча **adl** синоними ҳам ишлатилган: *Āgär bolsa adlīj qatīğlıq tājä*. **Adl** лексемаси **ъadl (un)** шаклига эга; “тўппа-тўғри шаклга эга бўлди” маъносини англатувчи **ъadala** феълинингI боб масдари бўлиб, шу феълининг “адолатли бўлди” кўчма маъноси асосида ҳосил қилинган⁸.

«Сир» тушунчасини ифодаловчи **rāz** ўзлашмаси дастлаб Аҳмад Югнакийнинг «Хибатул-ҳақойик» асарида кузатилади: *Qatīğ kizlä rāzin kişi bilmäsün*. Лексема XIV асрда Хоразм худудида битилган обидалар луғат таркибида ҳам айни семада кўзга ташланади: *Nišānsızdan xabarsız ne degäy rāz* (Г,5а1).

Xuš ўзлашмаси илк марта Аҳмад Югнакийнинг “Хибатул-ҳақойик“ достонида “яхши, дуруст” маъносида келган: *Ārif raqs čiqarıb etär xuš sama'*. Ушбу сўз XIV аср Хоразм манбаларида «қувонч»: ...*Xuš ičkil rāhnirayhān ičindä* (Мн.,29467), “яхши, дуруст”: *Xuš ayttī pardadār ewdā kişi yoq* (Г,156а3) маъноларида учрайди. Кези келганда айтиш лозимки, текширилаётган ўзлашма янги сўзлар ҳосил қилишда ҳам иштирок қилган: *Yürigil tilägil özüj xuşluğın*. Бундан ташқари, обида тилида сўзнинг туркий **ezgii** синоними қўлланилган: *Qiliqlarda ezgii qiliq qoy (xoy) qiliq*.

⁸Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати. II (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). -Т.: Университет, 2001. – Б. 14-15.

Асардаги ўзлашма қатламга оид лексик бирликлар қадимги туркий тил ва қорахонийлар даври ҳамда XIV аср манбаларида қўлланилган сўзлар билан қиёсий таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлдики, аксарият истилоҳлар ўзининг туб маъносида учрайди, баъзиларида эса маъно кенгайиши ҳодисаси кузатилади.

“Хибатул ҳақойиқ” асосан панд-насиҳат мазмунда бўлганлиги учун унда диний тушунчаларни ифодаловчи форсий ва арабий сўзлар 20 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга, ўша давр учун характерли бўлган тил ҳодисаларини кузатиш мумкин. Хуллас, бу асар орқали эски туркий тилдан эски ўзбек адабий тилига муҳим қадам қўйилганлигини, унинг Кошғардан Хуросонгача бўлган туркий элатлар тилини ўзида акс эттирганлиги ва ҳаммага манзур бўлганлигини билиб олиш мумкин.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Г – Сайфи Сарайи. Гулистан бит –турки//Фазылов Э. Староузбекский языкк. Хорезмийские памятники XIV века. I-II. –Т.: Фан, 1966-1971.

ДТС – Древнетюркский словарь. –Л.: Наука, 1969. -676 с.

МК – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. I-III. –Т.: Фан, 1960-1963.

Мн– Хоразми. Мухаббат-наме//Фазылов Э. Староузбекский языкк. Хорезмийские памятники XIV в. I-II. –Т.: Фан, 1966-1971.

НФ – Нахджул – фарадис//Фазылов Э. Староузбекский языкк. Хорезмийские памятники XIV в. I-II. –Т.: Фан, 1966-1971.

Тафсир– Боровков А. К. Лексика среднеазиатского тифсира XII- XIII. вв. –М.: Изд-во восточной лит-ры, 1963.

ХШ – Кутб. Хосрав и Ширин//Фазылов Э. Староузбекский языкк. Хорезмийские памятники XIV в. I-II. –Т.: Фан, 1966-1971.